Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 8-avgust, payshanba № 94 (3287)


# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2013 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 9 август жума кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, 2013 йил 9 август дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 7 август

## Янграйди тарона, янграйди ялла

«Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалини, айтиш мумкинки, бутун дунё орзиқиб кутмоқда. Катта нуфузга эга ушбу тадбирга Самарқандда пухта тараддуд кўрилмоқда.



Регистон саҳнасида куйлаш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ўз нуфузи билан жаҳондаги қатор танловларни ортда қолдираётган «Шарқ тароналари»га қизиқиш тобора ошиб бораяпти. 1997 йилда бўлиб ўтган илк фестивалда дунёнинг ўттизга яқин давлатидан мусиқа санъати вакиллари иштирок этган эди. Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик тантаналарига ҳамоҳанглик касб этувчи фестивалда бу йил дунёнинг олтмишга яқин давлатидан вакиллар келиши кутилмоқда. Ушбу санъат байрами ҳар икки йилда бир марта ўтказилиб, турли халқлар ўртасида ўзаро дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, миллий мусиқа ҳамда қўшиқчилик санъати умрбоқийлигини таъминлаш, урф-одатлари, тили ва маданиятидан қатъи назар қалбларни бирлаштиришга хизмат қилаётир.

Эътироф этиш жоизки, санъат усталари томонидан фестивалнинг очилишига бағишлаб тайёрланган дастур ранг-баранглиги билан барчага манзур бўлиши шубҳасиз. Бунинг боиси шуки, навбатдаги тантаналарда қадим анъаналаримиз ва миллийлигимиз жўшқин тарона-ю рақсларда тўла ифодаланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти, таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев, бош балетмейстр, Ўзбекистон халқ артисти Равшаной Шарипова раҳбарлигида тўрт юзга яқин раққосалар машғулотларни бошлаб юборишган.

Фестивал иштирокчилари ва меҳмонларни кутиб олишга ҳам қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Маълумотларга кўра, кўҳна ва навқирон шаҳар тароватидан баҳраманд бўлиш учун ўтган йили дунёнинг турли ўлкаларидан 77,8 минг нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлиб, Сайёҳликни ривожлантиришнинг 2013-2015 йилларга мўлжалланган дастурига мувофиқ Булунғур, Нуробод, Пахтачи туманларида ҳам замонавий кемпинглар қурилиши мўлжалланаётир. Фестивал иштирокчилари кўҳна маданиятимиз, замонавий шаҳарсозлик борасида олиб борилаётган улкан ишларни ўз кўзлари билан кўришади. Шаҳардаги истироҳат боғлари, соя-салқин гўшаларда турли кўргазмаю учрашувлар ташкил этиш учун ҳозирлик кўрилаяпти.

**Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири**

Янгиликлар оқимидан

### ЖИЗЗАХ

**Жиззах вилоятида жорий йил давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида 280 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, ўтган ярим йилликда 120 та лойиҳа ўзлаштирилди.**

## ИНВЕСТИЦИЯ ШАРОФАТИ

Ишлаб чиқариш қувватларига хорижнинг илғор техника ва технологияларини қўллаш орқали вилоятда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробарга ортди. Ҳозиргача тармоққа 229 млрд. сўмлик инвестиция жалб этилди. Биргина Зафаробод туманида бунёд этилаётган цемент заводига 114 млрд. АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланиши режалаштирилган.

Вилоятда трикотаж буюмлари, пластмасса, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал ривожланаяпти. Шулар баробарида экспортбоп маҳсулотлар салмоғи ортиб бормоқда. Ўтган йили 14 та корхона маҳсулоти экспортга йўналтирилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида 25 та корхонада тайёрланган 19,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Жумладан, жорий йилнинг мартида иш бошлаган «Жиззах-Тоштепа текстил» комбинатида 640 млн. сўмлик трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, 160 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.

Вилоятда Хитой билан 21 та ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан ўзаро келишув имзоланди.

**Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири**

### САМАРҚАНД

**Замонавий совитгич ва музлатгичлари билан тилга тушган Самарқанддаги «SINO» очиқ акциядорлик жамиятининг модернизация қилиниши ҳамда қайта жиҳозланиши боис маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи оширилмоқда.**

## ИЛҒОРЛАРНИ МАХСУС СОВҒА КУТМОҚДА

Корхонадаги 10 та цехни капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига 2 млрд. сўм атрофида маблағ сарфланди.

Техник янгиланиш боис корхонада 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда 5 та гуруҳдан иборат махсус ўқув курслари ташкил этилди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга жойларда сервис хизмати кўрсатадиган мутахассислар тайёрлашга киришилди. Бу эса совитгич, музлатгич ва кондиционерларни сифатли таъмирлаш имконини беради.

Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти аксарияти ёшлардан иборат бўлган жамоада турли тадбирлар уюштирмоқда. Мустақиллик байрами шарафига ишлаб чиқаришда алоҳида намуна кўрсатганлар учун 22 та махсус соврин таъсис этилган. Истиқлол тенгдоши бўлган 12 нафар ходимни ҳам махсус совға кутмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

Истиқлол йиллари халқимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш давридир. Мустақиллик туфайли бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди, мамлакатимизда виждон эркинлиги таъминланмоқда.

## Эзгу амаллар айёми

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 7 августда қабул қилинган «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бунинг яна бир ҳаётий ифодасидир. Зеро, Рамазон ҳайити — эзгу амаллар айёми. Уни ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва саховат руҳида кутиб олиш ва нишонлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимиздаги барча маҳаллаларда Рамазон ойининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириш, ўсиб келаётган ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган кўплаб тарғибот тадбири ўтказилиб, муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар, қабристонлар ободонлаштирилган. Кам таъминланган оилалар вакиллари, боқувчисини йўқотган ва якка-ёлғиз фуқароларга моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларига ҳомийлик кўмаги кўрсатилди.

Термиз шаҳри Учқун маҳалласида истиқомат қилувчи 80 ёшли Очил бобо Равшановнинг айтишича, улуғ айём кунларида табаррук ёшли отахон ва онахонларни зиёрат қилиб, дуосини олиш ёшларимиз ўртасида яхши анъанага айланган. Байрам муносабати билан маҳалла аҳли бобо яшаётган уйни таъмирлаш ва томини ёпишга яқиндан кўмак берди. Бундан отахоннинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Бу йил ҳам Рамазон ҳайити халқимизнинг энг улуғ, энг азиз айёми — Мустақиллик байрами арафасида нишонланмоқда. Байрамлар муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида кўча ва ариқлар, муқаддас қадамжолар, қабристонлар ва уларнинг атрофи тартибга келтирилмоқда. Ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

— Вилоятимиздаги барча фуқаролар йиғинларида байрам олдидан ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими раиси Шавкат Жоникулов. — Барча қишлоқ ва маҳаллаларда ҳашар уюштирилиб, қабристон ва зиёратгоҳлар яна бир бор тартибга келтирилмоқда. Хусусан, Пайариқ туманидаги Хўжа Исмоил номли маҳалладаги Имом Бухорий мажмуаси ва унинг атрофида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ҳайит кунларида вилоятда истиқомат қилаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, якка-ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва байрам совғалари улашилади.

Ҳайит арафасида Тошкент шаҳрида ҳам хиёбонлар, майдонлар, кўча ва ҳовлиларни саранжом-сариштa қилиш, ариқ ва зовурларни тозалаш, дарахтларга шакл бериш ишлари бажарилмоқда. Хусусан, Олмазор туманидаги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғинида байрамга уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрилмоқда.

— Бугун тўрт минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилувчи маҳалламизда байрамни тинч ва осойишта ўтишини таъминлаш, огоҳликни оширишга бағишланган тадбир ўтказдик, — дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Пўлатов. — Шу кунларда ёши улуғ, ёлғиз кишилар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга дори-дармон ва тиббиёт воситалари, совғалар топширилмоқда. Барча кўча, майдон ва ҳовлилар саранжом-сариштa қилинди. Олтита болалар майдончаси қурилиб, ҳудуддаги болалар боғчаси ва олтмишга яқин турар-жойнинг йўлаклари таъмирланди.

— Меҳр-оқибатли маҳалладошларим нафақат улуғ айём кунларида, балки доимо ҳолимдан хабар олиб туришади, — дейди Сирғали тумани Бобур номли маҳаллада яшовчи ёлғиз онахон Татьяна Гарилова. — Қўшни болалар «Таня буви», дея чақириб келишса, кўнглим кўтарилиб кетади. Шундай меҳр-эътибор боис ёлғизликни сезмай, шукрона билан умр кечиряпман.

Ҳа, тинч, тўкин ва фаровон элга байрамлар ярашади, татийди. Халқимиз Рамазон ҳайитини эзгу амаллар ва кўтаринки руҳ билан кутиб олаётгани ҳам юртимизнинг тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги, дастурхонимиз тўкинлигидандир. Нуроний отахон ва онахонлар дуога қўл очиб, бугунги саодатли кунларимизга, тинч, осойишта ва фаровон ҳаётимизга шукроналар айтиб, хонадонларга файз-барака тиламоқда. Юртдошларимиз ўз оиласи, маҳалласи, эл-юрти равнақи учун сидқидилдан хизмат қилаётгани бундай улуғ кунларнинг янада зиёда бўлишига – халқимизнинг эзгу амаллари янада бардавом бўлишига умид ва ишонч бағишлайди.

**Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири**







Андижонда бўлаётган ўзгаришлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Айниқса, кейинги ўн йилда шаҳарда кўплаб янги-янги корхоналар, турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди, кенг ва равон йўллар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт мажмуалари, стадионлар, боғ ва хиёбонлар бунёд этилди. Замонавий иншоотлар шаҳар қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

## Тўйига муносиб тўёна

Айни кунларда шаҳарнинг Алишер Навоий шоҳкўчаси, Ўзбекистон, Бобуршоҳ кўчалари ва яна 14 кўчада қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Шаҳарнинг бош кўчаси — Навоий шоҳкўчасида кўп қаватли 16 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, мустақиллик байрами арафасида унинг олтитаси фойдаланишга топширилади. Миллий тикланиш ва Истиқлол кўчаларида бунёдкорлик ишлари якунига етди.

Халқимизда тўйига тўёна билан деган нақл бор. Шу маънода мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик шодиёналари арафасида Андижон шаҳридаги ана шу кўчаларнинг очилишига бағишланган тадбирлар халқ сайлига айланиб кетди.

Кўчалар бўйидаги 94 объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. 80 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шаҳарнинг бош режасига асосан Сайлгоҳ бўлиши режалаштирилган 750 метрли Истиқлол кўчасида 60 дан ортиқ бино барпо этилди. Мазкур кўчада қад ростлаётган ҳар бир бино ўзига хос меъморчилик лойиҳаси асосида қурилаётгани эътиборга молик. Айниқса, турли кўринишдаги катта-кичик фавворалар кўзни қувонтиради.

Истиқлолимизнинг 22 йиллик тўйи арафасида бўлиб ўтган ушбу тантана таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

**ЎзА.**

**Х. АРАББОЕВ олган суратлар**

Ҳамкорлик қирралари

## Қўлни қўлга бериб

Туризмни ривожлантириш дастури асосида Хоразм вилоятида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу хайрли тадбирларда Қашқадарё вилояти тадбиркорлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Воҳамизнинг кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорлари Хоразм вилоятида сайёҳлик соҳасини тараққий эттириш учун хайрли юмушларга бош қўшмоқдалар, — дейди вилоят ҳокими биринчи ўринбосари котибияти мудири Шавкат Муродов. — Белгиланган дастурга кўра қашқадарёлик тадбиркорлар Урганч шаҳри ҳудудидан оқиб ўтадиган Шовот канали бўйлаб супермаркет, минимаркет, китоб дўкони, чойхона, автомобиллар ва қайиқлар тўхташ жойлари каби ўнта объект қурилишида бевосита иштирок этишади.

Бунёд этиладиган савдо ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари хусусий мулкка айланиб, келажакда тадбиркорларга катта фойда келтиради.

Вилоятимиз кўмаги билан Шовот канали бўйлаб, 1 километр масофада қирғоқлар мустаҳкаланиб, ободонлаштирилади, аллея ва гулзорлар барпо этилади. Амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

— Республикамиз бошқа минтақаларининг вакиллари Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари юбилейи, вилоят марказидаги Хўжаи жарроҳ ёдгорлик мажмуаси, Деҳқонобод калий ўғитлар заводи каби улкан саноат корхоналари, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темирйўли сингари муҳим инфратузилма объектлари қурилишида воҳамиз меҳнат аҳлига яқиндан кўмаклашгани каби қашқадарёликлар ҳам Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожига муносиб улуш қўшишади, — деди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Эркин Мамадиёров оммавий ахборот воситалари ходимлари билан суҳбатда.

Кўҳна замин тобора яшариб-гўзаллашиб бормоқда. Хива ва Урганч шаҳарлари жаҳон сайёҳларининг севимли масканига айланган. Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисидаги Қарори мазкур ҳудуднинг сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтириш, ноёб тарихий, маданий ва меъморий ёдгорликларни ободонлаштириш, туристик хизматлар кўламини кенгайтириш, ишчи ўринлари сонини кўпайтириш имконини беради.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

# Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2013-yil 8-avgust № 94 (3287)

## Ҳаёт сабоқлари

**— Табиатимиз тоза бўлмас экан, касалликлар эшигимиз олдида, ҳовлимизда, йўлимизда урчийверади. Бунинг учун энг аввал кўнгилнинг ўзи покизаликдан нур эмадиган бўлиши керак, — дея сўз бошлади суҳбатдошимиз.**
**— Халқимиз бекорга ҳайит ва бошқа улуғ байрамларда уй атрофи, кўчаларни саранжом-саришта қилиб, етим-есирларга саховат, мурувват кўрсатмайди.**

# «Юрт ободлиги қалб ободлигидир...»

## тиббиёт фанлари доктори, профессор Тоҳир Иброҳимов билан суҳбат

Дарҳақиқат, соғлом ҳаёт кечиришимиз кўп жиҳатдан табиатга қандай муносабатда бўлишимизга боғлиқ. Шу нарсани ёдда тутиш керакки, суви ифлосланган ариқдан вабо, ачиган, узоқ туриб қолган ошхона чиқиндиларидан ўткир ичак касалликлари, уй суприндисидан ичбуруғ ва куйдирги, очиқ ётган ахлат уюмларида сил микроблари етилади.

«Қуш уясида кўрганини қилади», дейди халқимиз. Тозалик учун курашни ҳар бир хонадон ўз уйидан бошлаши керак. Худди шу руҳда тарбияланган болалар улғайгач, тозаликка риоя қилишни ўз фарзандларидан талаб қиладилар.

**— Қарангки, «Кўнглинг Ҳақда, қўлинг ишда бўлсин», дея инсониятни комилликка чорлаган ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд тунда кўчаларни тозалаб қўяр эканлар.**

— Мен ҳам бу ҳақда ўқиганман. Ҳазрат Баҳоуддин: «Бу хизматларни Аллоҳдан бошқага аён бўлмасин деб одамлар ухлаганда бажарардим», деган эканлар. Аёлиё бобомиз амал қилган бу каби хайрли ишларнинг барчаси инсон учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлган нафл ибодатларидан бўлиши билан бирга, «Ҳеч ким кўрмайди» қабилида ярим кечада кўчада ахлат ташлаган одамларга ибрат мактаби бўлиши керак. Шу боис соғлиғимиз, табиатимиз софлиги учун ҳам ўзимиз билан бир ҳаводан нафас олиб яшаётган одамларнинг кўнглини ғубордан тозалашимиз, уларнинг маънавиятини тарбият этишимиз керак.

Қолаверса, Ҳадиси шарифда «Уч жойга: ариққа, йўлга ва одамлар дам оладиган соя-салқин ерга ахлат ташлаб, лаънатга қолишдан сақланинглар», дейилади. Нафақат шаҳримиз ободлиги, балки ўзимиз, ёру биродарларимиз, қўшнимиз саломатлиги учун ҳам бу ҳикматга амал қилишимиз шарт.

Европа мамлакатлари кўчаларида сигарет қолдиқларини кўрмайсиз. Кўҳна қитъа вакиллари эринмай уни махсус қутиларга ташлашга одатланишган. Бу қоидага барча бирдек риоя қилади. Сингапурда сигарет қолдиқлари белгиланмаган жойга ташланса, 500 доллар, чиқиндини ерга ташлаганлик учун 1000 доллар жарима солинади ва бу иш қатъий назорат остида амалга оширилади.

Швейцарияда табиат муҳофазаси ёки атроф муҳит тозалигига қарши бирор ножўя иш қилинса, масалан, ахлат кўрсатилган жойга тўкилмаса, уни кўрган фуқаро зудлик билан табиатни муҳофаза қилиш ташкилотига хабар қилади.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, истиқлол йилларида мамлакатимизда тизимли экологик сиёсатнинг амалга оширилиши, ишлаб чиқариш соҳаларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ишларини жадаллаштириш натижасида атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддалар миқдори 1,9 мартага, оқава сувлар ташланиши қарийб икки мартага камайди. Ҳар биримиз она табиатимиз софлиги ва беғуборлиги ҳақида қайғурсак, «Менга нима?» қабилида иш тутмай, чин маънода табиат ҳимоячиси бўлсак, мақсадга эришамиз.

**— Қадриятларимизда узоқ умр кўришнинг ўзига хос сирлари мавжуд. Шу ҳақда ҳам сўзлаб берсангиз?**

— Кўп нарса одамнинг ўзига, ўз соғлиғига бўлган муносабатига боғлиқ. Мана, ниҳояланиб бораётган Рамазон — покланиш ойида кўпчилик ўзига хос парҳезга риоя қилди. Жисмонан ва руҳан покланиб олди.

Яна бир сир борки, одам ўз севган касбидан завқ олиб, яйраб ишласа ҳам умри узун бўлади. Бу жараёнда унинг феъл-атвори яхшиланиб, дунёга, одамларга муҳаббат кўзи билан қарайди, шу аснода руҳи қувватланиб, вужуди гўзаллашиб, соғайиб бораверади. Негаки, завқ билан қилинган меҳнат фикрни чархлайди, дунёқарашни кенгайтиради, вужудни яшартиради. Қолаверса, бундан оиласи, жамият ҳам наф кўради.

Тирикчилик ўтказиш учун таваккалчилик билан қилинган иш одамни чарчатиб, руҳини синдириб, тушкунлик гирдобига ташлайди. Кундалик турмушимизга назар ташлайдиган бўлсак, ҳунари, касбини севган минглаб мутахассислар ўз меҳнатидан завқ олиб мўъжиза яратаяпти ҳамда узоқ умр кўриб юрибди. Бировнинг қистови ёки пул топиш илинжида бўлган одам ўзи қизиқмаган юмушни ҳафсаласизлик билан бажаради. Ҳафсаласизлик эса ҳунарнинг, касбкорнинг энг ёмон душманидир.

**— Ҳадисларда яхшиликни чеҳраси очиқ, хушфеъл одамлардан кутинглар, дейилади. Айтинг-чи, қалби пок, самимий, серҳаракат инсонларнинг узоқ умр кўришида қандай ҳикмат яширинган?**

— Нуронийларимиз дуога қўл очганда Аллоҳдан энг аввал тинчлик, хотиржамлик, кенгфеъл, кетмас давлат бер, деб сўрашади. Бунинг маъносини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Хотиржам, кенгфеъл одам ҳамда ўзига насиб этган неъматлар учун шукрона айтувчилар узоқ яшайди. Кетмас давлат дегани мол-дунё эмас, соғликдир. Негаки, саломатликдан кўра қимматли нарса борлигини ҳеч ким кўрмаган. Мол-дунё йиғиш, шайтоний ҳою ҳаваслар, ҳасад, шубҳа, очкўзлик, адоват, хиёнат, ёлғончилик ва бемеҳрлик соғлиққа қарши турувчи омиллардир. Агар шу иллатдан биттаси сизда бўлса, кўнгил хотиржамлигингиз бузилиб, юрак фаолиятингиз ёмонлашади, мия толиқади, руҳият азият чекади. Аксинча, яхшилик ва саховат, қаноат ва сабр руҳни юксалтиради, ихлос ва ибодат эса кўнгилга рўшнолик олиб киради. Саломатлигимиз йўлидаги ана шу тўсиқларни олиб ташласаккина эмин-эркин ва узоқ умр кўришимиз мумкин.

**— Бир нарсага ҳайрон қоламан: баъзи оилаларда ҳамма нарса бадастир, аммо каттасидан тортиб кичигиғача боши касалдан чиқмайди. Зўрға кун кўрадиган баъзи оилаларда эса саломатлик, бахт уфуриб тургандай. Нега шундай?**

— Оилани бежизга бахт қўрғони деб атамайдилар. Аслида ҳам шундай. Оиласидан бахт топган инсоннинг бахти тўкис, соғлом ва баркамолдир. Сиз айтмоқчи бўлган ўша бадастир оилада ўзаро ҳурмат йўқ, тенгсизлик ҳукмрон.

Ярим кўнгил ва шикасталик билан катта бир қўрғонни нурлантириб бўлмайди.

**— Тўкис бахтга эришиш учун нималарга эътибор бериш керак?**

— Бахту омад осмондан тушмайди. Инсон кириб-чиқиб юрган уйини «омад қасрига»га айлантириши керак. Бунинг учун у ўзи яшайдиган гўшага меҳр бериши, уни поклаши, ёмон кўздан асраши зарур.

Унутмангки, уй тоза, саранжом-саришта, барча жиҳозлар кўркам бўлиши, чироқлар ёрқин нур таратиши даркор. Хонани тозалашда эътиборлироқ бўлиш, буюм ва жиҳозларни сувда ҳўлланган латта билан артиш даркор. Сувда покловчи хусусият кучли. Хонадонда ҳамиша хуш кайфият бахш этиш учун, аввало, ўзингиз бунга имкон яратишингиз керак. Шунда эрталаблари уй эшигидан чиқаркансиз, вужудингиз қувватга тўлиб боради, кун давомида ўзингизда чарчоқ сезмайсиз, ишингиз юришади. Энг муҳими, сизга маънавий ва жисмоний соғломлик ҳамроҳ бўлади.

**— Инсонга орзу куч беради, вужудини яшартиради, оқибатда, касаллик чекинади, деган гапга қандай қарайсиз?**

— Яхши орзу, холис ният инсонга нафақат соғлик, балки комиллик ҳам ато этади. Яхшилик яхшиликдан кувватлангани каби ният инсонга руҳий қувват беради. Нияти холиснинг йўли равон бўлиши тарихдан ўз исботини топган. Қолаверса, руҳан ва жисман соғлом киши тоза насл қолдиради. Узоқ вақтгача ақл-идрокини бешикаст сақлайди, ҳаётдан завқланиб яшайди.

Тани сиҳатлик пулга топилмайди, балки ақл-идрок билан қўлга киритилади. Ҳозир ҳавони ҳам совутиб, ҳам иситиб берадиган кондиционерлар урфга кирди. Меъёрни билганлар учун бу катта имконият. Аммо кўчадан терлаб келиб, кондиционерли хонага кириш соғлик учун хавфли. Тоза ҳаво соғлик учун энг яхши даво. Қолаверса, очиқ ҳавода кўп юриш, айниқса, дов-дарахтли жойларда дам олишнинг фойдаси кўп. Тоза ҳаво ҳисобига танада қон тозаланади, тери эркин «нафас» олади. Соф ҳаво қуёшнинг иссиқ нурини ўзида сақлаб қолади, у ерга намлик беради, товуш ўтказади, ҳаётбахш оксигенларни инъом этади. Тоза ҳаво моддалар алмашинуви жараёнида, танамиздаги иссиқлик алмашинуви ҳамда физиологик жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади.

Қолаверса, организмнинг касалликларга чидамлилигини ошириш учун асаб тизимини доимо машқ қилдириш зарур. Бунинг учун спорт билан шуғулланиш, эрталабки ҳавода (шабнамда) ялангоёқ юриш, саунада буғланиб, шифобахш гиёҳлар дамламаларидан ичиш яхши самара беради. Айниқса, сайру саёҳатга чиқиш, кўпроқ табиат оғушида бўлиш, асабни асраш даркор. Соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, вужудингиз қўрғони ҳисобланган иммунитетни мустаҳкамлаш ҳам саломатлик учун муҳим аҳамиятга эга.

**Суҳбатдош:**
**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

---

## ТЕННИС



**Юртимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин Монреал (Канада) шаҳрида старт олган «Masters» туркумига кирувчи халқаро турнирда кўпчилик учун кутилмаган натижаларни қайд этмоқда.**

## Биринчилар беллашадими?

Вакилимиз биринчи турда АТР таснифида юқори ўринда бораётган Янко Типсаревични мағлубиятга учратиб, теннис ихлосмандларининг олқишига сазовор бўлди.

Энди Денис Истомин мезбонлар вакили Филип Пеливога қарши кортга чиқади. Теннисчимизга омад кулиб боқса, кейинги босқичда дунёнинг биринчи рақамли теннисчиси Новак Жокович (Сербия) билан куч синашиши мумкин.

Турнирнинг мукофот жамғармаси 2,8 млн. АҚШ долларини ташкил этади.



## ФУТБОЛ

**Футбол бўйича «Олий лига — 2013» иккинчи давра 14-туридан ўрин олган сўнгги учрашув ҳам ниҳоясига етди.**

## Жанговар дуранг

Унда Тошкентнинг икки жамоаси — «Локомотив» ҳамда «Бунёдкор» тўқнашди. Қизиқарли кечган баҳсда 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Тенг кураш остида кечган биринчи бўлимнинг 41-дақиқасида Олександр Пишур Жасур Ҳасановнинг узатмасини чиройли тарзда голга айлантирди. Иккинчи бўлимда «темирйўлчилар» ўйинни бироз кучайтиришга эришди. Бу Дилшод Жаббаровнинг 78-дақиқада меҳмонлар дарвозасига жавоб тўпини киритиши билан якун топди.

### Турнир жадвали

| № | Жамоа | Ўйин | Ғалаба | Дуранг | Мағлубият | Т-Н | Очко |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бунёдкор | 14 | 11 | 2 | 1 | 32-5 | 35 |
| 2 | Локомотив | 14 | 10 | 3 | 1 | 34-13 | 33 |
| 3 | Насаф | 14 | 10 | 2 | 2 | 35-15 | 32 |
| 4 | Пахтакор | 14 | 8 | 1 | 5 | 16-10 | 25 |
| 5 | Металлург | 14 | 8 | 1 | 5 | 19-17 | 25 |
| 6 | Олмалиқ | 14 | 5 | 5 | 4 | 22-17 | 20 |
| 7 | Бухоро | 14 | 6 | 1 | 7 | 17-23 | 19 |
| 8 | Нефтчи | 14 | 5 | 1 | 8 | 16-17 | 16 |
| 9 | Навбаҳор | 14 | 4 | 3 | 7 | 15-21 | 15 |
| 10 | Динамо | 14 | 3 | 5 | 6 | 12-21 | 14 |
| 11 | Сўғдиёна | 14 | 4 | 2 | 8 | 16-30 | 14 |
| 12 | Гулистон | 14 | 4 | 2 | 8 | 10-25 | 14 |
| 13 | Шўртан | 14 | 3 | 1 | 10 | 8-20 | 10 |
| 14 | Қизилқум | 14 | 2 | 1 | 11 | 14-32 | 7 |

## Тўкинлик йўлида

**Қува туманидаги икки юздан ортиқ ишчи меҳнат қилаётган «Роҳатой» фермер хўжалигида қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаси-боғдорчилик ривожига алоҳида эътибор берилмоқда.**

Хўжаликнинг 85 гектар мевали боғида шафтоли, ўрик, гилос, хурмо дарахтлари парвариш қилинаётир. Шу кунларда пишиб етилган шафтолини йиғиб-териб олиш ишлари қизғин паллага кирган. Соҳибкорлар бозорга 80 тонна маҳсулот етказиб беришни мўлжалламоқда.

Хўжалик боғида қулай шароитга эга, дам олиш, овқатланиш, ювиниш хоналари мавжуд кўркам шийпонда ишчилар бўш вақтини мароқли ўтказиш имкониятига эга.



**Суратда: Қува туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалиги боғида.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

**Навоий вилоятида мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан «Соғлом бола — соғлом келажак» шиори остида Саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда.**

## Инсон саломатлиги — олий қадрият

Ҳафталикнинг дастлабки кунида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Навоий ва Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг бир гуруҳ малакали шифокорлари Меҳрибонлик уйларининг 80 нафардан ортиқ тарбияланувчисини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.

Ҳафталик доирасида барча туманларда кўрик ташкил этиш кўзда тутилган.

Саломатлик ҳафталиги доирасида тиббий кўрикдан ўтган ва муолажага муҳтож аҳолига зарур тавсия ҳамда йўлланмалар берилмоқда.

**ЎзА**

## ДИҚҚАТ, КЎРИК-ТАНЛОВ!

# «Йилнинг энг яхши китоби»

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги 2013 йил август-октябр ойларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб республика нашриётларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, ноширлик маданияти ва нашриётларнинг ижодий салоҳиятини юксалтириш, соҳада эришилган ютуқларни кенг оммалаштириш, ноширлар, муҳаррирлар ва техник муҳаррирлар, мусаҳҳиҳ, рассом-дизайнерлар, матбаачиларни рағбатлантириш, аҳолининг барча қатлами, хусусан, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Йилнинг энг яхши китоби» V Республика кўрик-танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилишини эълон қилади:

1. **«Ижтимоий-сиёсий адабиёт»;**
2. **«Ватан тарихи»;**
3. **«Ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти»;**
4. **«Болалар ва ўсмирлар адабиёти»;**
5. **«АРТ китоб».**

Танловга қўйилган нашрларнинг қуйидаги жиҳатлари ҳисобга олинади:

- маъно-мазмуни, илмий-маърифий жиҳатдан тайёрланиш даражаси;
- таҳририй-ноширлик даражаси;
- дизайнининг оригинал ечими ва бадиий ечимларининг мазмунига, ўқувчилар доирасига ҳамда китоб мақсадларига мувофиқлиги;
- матбаа ижросининг сифати;
- нашрнинг оммабоплиги ва ижтимоий аҳамияти.

Нашриётлар ушбу кўрик-танловда ҳар бир номинация бўйича бирданига бир неча номдаги китоб маҳсулотлари билан иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган нашрлар 2013 йилнинг 20 октябригача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари ташкилий қўмита томонидан 2013 йил ноябр ойида бўлиб ўтадиган «Ўзбекистон матбуоти» III Миллий кўргазмаси тадбирлари доирасида мукофотланиб, уларга танловнинг махсус дипломлари тантанали равишда топширилади.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган китоблар бир нусхадан қуйидаги манзил бўйича: **Тошкент-100129, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига** юборилсин.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**(8-371) 244-12-61, 244-31-85.**

Реклама ва эълонлар

**«Tashkent Realtor Servise» МЧЖ:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг 2013 йил 1 август куни бўлиб ўтган танлов савдоси натижасини маълум қилади:

Автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор станцияси қурилиши учун Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Қизғалдоқ» ҚФЙ, ТХАЙ бўйида жойлашган 0,7 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 3 882 883 сўм, сотилиш қиймати 180 000 000 сўм. **Лицензия RR-0008.**

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Зангиота туман тармоқ касаба уюшма кенгаши раиси Гавҳар Жўраевага отаси **Абдуқодир ОДИЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Toshev
Navbatchi:
N.Mahamov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi -20.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г —811 | 13478 nusxada bosildi | 1 3 4 5